"ТАСДИКЛАЙМАН"
Регистон ансамбли
директори
Х. Самаров

Регистон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекцияси биносида мураккаб технологиялари хамда бинонинг ташки ва ички кисмида сифатли хизмат кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

**Б А Ё Н И № 7**

2022 йил «26» октябр — Самарканд шахри

Раислик килувчи — Бошлик ўринбосари: А. Қиличев

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Бошлик ўринбосари — Ш. Ибрагимов

Бош хисобчи — Т. Каримова

Ободонлаштириш бўлими ишчиси — Н. Кувватов

Котиб, кўргазма зал мудири — У. Уринходжаев

**К У Н   Т А Р Т И Б И :**

Регистон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекцияси Регистон майдони атрофидаги пиёдалар юриш йулакларидаги битонли плиткаларни синганларини алмаштириш ишларини бажариш бўйича.

---

(Д. Ҳакимов, Ш Ибрагимов)

Дирекция томонидан 2022 йил 11 октябрда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Регистон майдонида ШОСга тайёргарлик ( хожатхонани таъмирлаш жорий таъмирлаш`тиклаш ) ишларини бажариш бўйича 22110012153650 - лот раками билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 24 октябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали оркали шаклланган Самарканд шахрининг Регистон майдонида ШОСга тайёргарлик ( хожатхонани таъмирлаш жорий таъмирлаш тиклаш- 2 этап ) ишларини бажариш бўйича баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан "BEXRUZ FAYZ INVEST STROY" МЧЖ корхонаси голиб деб топилган, лекин курилиш ташкилоти ушбу курилиш обекътни РАД Этилганлиги сабабли Захирадаги голиб яъни "SAMARQAND TONG SHABODASI" МЧЖ корхонаси голиб деб топилганлигига инобатга олиб

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси бўйича хеч кандай эътирозлар ёки кўшимча таклифлар йуклиги маълумот учун кабул килинсин.
2. Дирекция бош бухгалтери Т. Каримовага:
Юкоридагилардан келиб чикиб хамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 24 октябрдаги баённомасига асосан голиб "SAMARQAND TONG SHABODASI" МЧЖ корхонаси билан конунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.
3. Техник назоратчи Д. Ҳакимовга хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат килинсин.

**Раислик килувчи** — **А. Қиличев**

**Комиссия аъзолари:** — **Ш. Ибрагимов**

**Т. Каримова**

**Н. Куватов**

**У. Уринходжаев**

# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 25/10

**Самарканд шахри** «26» октябр 2022 йил
Шартнома тузилган жой

"SAMARQAND TONG SHABODASI" MChJ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ф. Амониллоев номидан, бир томондан ва Регистон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекцияси кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбар Х. Самаров номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Самарканд шахрининг Регистон майдонида ШОСга тайёргарлик ( хожатхонани таъмирлаш жорий таъмирлаш тиклаш- 2 этап ) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни кабул килиш ва кийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аник турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий кисми хисобланган иловада келтирилади.

| № | Бажариладиган ишлар номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | ККС | | Баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Ставка | Сумма | |
| 1 | Подготовка к Шос на площади Регистан в городе Самарканде (Ремонтно-восстановительных работы по ремонту туалета- II этап) | услуга | 1 | 57 391 304 | 15 | 8 608 696 | 66 000 000 |
| | **Жами:** | | | | | | **66 000 000** |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси ККС билан бирга 66 000 000 (олтмиш олти миллион) сўмни ташкил килади

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: "26" октябр 2022й.
Тугаши: "06" ноябр 2022й.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. " Буюртмачи "нинг хукуклари:**

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг хисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини коплашни талаб килиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофик, бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофик тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб килиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган такдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;
- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини коплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини "Бажарувчи"дан талаб килиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофик кабул килиш;

**2.3. «Бажарувчи» куйидаги хукукларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳак тўланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил хисоб килинишини "Буюртмачи"дан талаб килиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофик кўрсатилган "Ишлар"ни кабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:**

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни ___ кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг бахоси ККС билан бирга 66 000 000 ( олтмиш олти миллион) сўмни ташкил этади.
3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан накд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб килинади.
3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Ғазначиликда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида конунчиликка мувофик контракт умумий суммасидан 30% микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 70 % ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида кабул килиш далолатномаси, хисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.
4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
4.3. "Ишлар" кабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.
4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни кабул килишни рад этишга ҳаклидир.
4.5. Назарда тутилган хажмдан ортикча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида каралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича кабул килинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" хажми, уларнинг сифати кўрсатилади.
4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар оркали, почта оркали ёки бошкача тарзда берилади. Буюртмномани чопар оркали кабул килишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да коладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у кабул килинганлиги тўғрисида белги кўяди.
4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳаклидир, бу ҳакда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор килади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, хажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аникланиши, уларнинг киймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аникланган такдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг хажмини хисобга олган ҳолда кайта хисоб-китоб килади, хисоблаб чикилган ушбу суммадан ташкари буюртмачига нотўғри хисоб-китоб килинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.
5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган такдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.
5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташкари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташкари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажрилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлик бажарилмаган такдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" кийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлик бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.
5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вактида хак тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи микдорида махсус хисобракамидан пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.
5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги хам кўриб чикилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан копланади.
5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.
5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонидан копланади

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда. томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.
6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга ҳаклидир

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «26» октябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлик тугалланган такдирда тўхтатилади.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.
8.2 Шартнома Ғазначилик органларида рўйҳатга олингандан сўнг конуний кучга киради.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.
9.2. Мазкур шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий ҳисобланади.
9.3. Мазкур шартнома томонларнинг хар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (кўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Буюртмачи»**

Номи: **Регистон ансамбли**

Манзил: Регистон майдони Тиллакори мадрасаси
Тел. факс: 235-38-26, 235-70-52
л/с:400121860184017082200056001
Самарканд вилояти буйича Газначилик бошкармаси
ИНН: 201122919
р/с 23402000300100001010
МФО: 00014

Марказий банк ХККМ Тошкент
шахар бош бошкармаси
Город: Самарканд
МФО: 00014
ИНН: 201008164
ОКОНХ 91030

Директор: Х. Самаров

*Ҳуқуқшунос Регистон ансамбли*
*Лицензия (диплом) № берилган санаси:*
«____» ________________ ________ йил

*Ҳуқуқшунос*
*Лицензия (диплом) № берилган санаси:*
«____» ________________ ________ йил

**«Ижрочи»**

Номи: **"SAMARQAND TONG SHABODASI " MChJ**
Манзил: Самарканд ш. Кимёгарлар кургони
Тел./факс: ______________________
х/в: 2020 8000 5048 5473 5001
Банк: Ипотека банк
МФО: 00262
СТИР: 301 632 035
ОКЭД 42110

Рахбар: Ф. Амониллоев

Н. Рахманова
Ю№ 004887 03.08.17й